

СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Алижон Тураев,

*Ассистент, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Инвестиция ва инновациялар кафедраси, Самарқанд, Ўзбекистон, e-mail: alijon.turayev@mail.ru,
ORCID ID 0000-0002-7911-0178*

IMPROVING CAMERA TAX INVESTIGATION IN REGULATION OF TAX CONTROL

Alijon Turaev,

*Assistant, Department of Investment and Innovation, Samarkand Institute of Economics and Service, Samarkand, Uzbekistan, e-mail: alijon.turayev@mail.ru,
ORCID ID 0000-0002-7911-0178*

JEL Classification: H1, H7, H71

Аннотация. Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ қонунчилиги асосида назоратга олиш орқали давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши орқали мамлакатимиз бюджет даромадлари қисмини оширишда камерал текширувининг ахамияти муҳимдир. Бундан ташқари солиқ назорати бўйича иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган ҳолда уларнинг фикрларига тўлиқ изоҳлар келтирилган. Солиқ назорати доирасида камерал солиқ текширувининг мазмун-моҳияти, унинг ўтказилиши жараёнининг тартиби, ташкил этиши муҳимлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Бюджет-солиқ сиёсати мамлакатнинг макроиқтисодий сиёсатида алоҳида ўз ўрнига эга бўлиб, у иқтисодиётни тартибга солиш, турли

хил ижтимоий вазифаларни амалга ошириши мақсадида солиқларни тартиблаштириши ва давлат бюджети маблағларини сарф қилиши учун ҳукумат имкониятларидан қай даражада фойдаланиши даражаси билдирилган.

Мамлакатимизда солиқ юкининг камайтириб бориши хўжалик юритувчи субъектларининг реал даромадларини оширишига уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришига ва рағбатлантиришига ижобий таъсир кўрсатиб келаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунда солиқ қонунчилигига кўра корхоналардан ундирилган солиқ суммаси амалдаги ҳақиқий ҳолат бўйича фарқлар борлиги ханузгача қузатилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан иш олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятлари давомида ҳақиқий даромад(фойда)ларига нисбатан давлат ҳазинаси учун тўланиши керак бўлган турли

кўринишидаги солиқларни камайтириб ёки умуман тўламашлик ҳолатлари ҳанузгача борлиги ва бу камчиликларни солиқ қонунчилиги доирасида бартараф этиши йўллари кўрсатилган.

Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатида бундай ҳолатларни сақланиб қолаётгани ва бунинг қонуний ечими сифатида солиқ тўловчиларимизни давлат ва жамият олдидаги масъулияти юқори даражага олиб чиқиши мақсадида уларнинг ижтимоий-маънавий ҳамда ҳуқуқий савиясини ошириши доирасида давлат бюджетига тушиши лозим бўлган тушумлар ҳажмини ортишига олиб келадиган маълумотлар ёритилган.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий томонлама ривожлантириши учун мақсадли юналтирилган хар қандай маблағлар назоратини тўғри йўлга қўйиши учун муаллиф томонидан олиб борилган таҳлиллари натижасига асосан камерал солиқ текширувини ташкил этиши ва уни ўтказишни такомиллаштиришга оид муҳим таклиф ва тавсиялар берилган.

Abstract. In this article, the importance of in-house inspections is important in increasing the share of budget revenues in the country through the correct calculation and timely payment of mandatory payments to the state budget through the control of business entities on the basis of tax legislation. In addition, the views and opinions of economists on tax control have been studied and detailed comments have been made on their views. Within the framework of tax control, the content of the in-house tax audit, the order of its conduct, the importance of the organization and its specific features were analyzed.

Fiscal policy has a special place in the macroeconomic policy of the country, which reflects the level of use of government resources to regulate the economy, the regulation of taxes to perform various social functions and the use of state budget funds.

Given that the reduction of the tax burden in our country has a positive impact on increasing the real incomes of business entities, expanding and stimulating their production capacity, the amount of tax levied on enterprises under the tax legislation still differs from the actual situation. There are still cases of reduction or non-payment of various types of taxes payable to the state treasury in respect of real income (profits) of individual entrepreneurs and business entities engaged in entrepreneurial activities, and ways to eliminate these shortcomings within the tax legislation.

The fiscal policy of the country states that such cases persist and as a legal solution to increase the amount of revenues to the state budget in order to raise the level of social and moral level of our taxpayers to the state and society.

Based on the results of the author's analysis, important suggestions and recommendations for improving the organization and conduct of in-house tax audits were made in order to properly control the control of any funds allocated for the socio-economic development of the country.

Key word: business entities, control, inspection, in-house inspection, budget, tax, tax control, tax system, tax policy, tax burden.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, назорат, текширув, камерал текширув, бюджет, солиқ, солиқ

назорати, солиқ тизими, солиқ сиёсати, солиқ юки.

Кириш. Ҳозирги кунда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари ноқонуний текширувлари ва сабабсиз тадбиркорлик фаолиятига аралашувлар корхона молиявий фаолиятига салбий таъсирлар кўрсатади ҳамда улар ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимиз тараққиётининг асосий таянчи бўлган тадбиркорларимиз инсофли, ҳалол солиқ тўловчи бўлиш кераклиги ва бу орқали уларни рағбатлантириш лозимлигига эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди [1]. Бундан кўзланган мақсад шуки, барча хўжалик юритувчи субъектларимиз хўжалик ҳисобини юритишда айланма маблағларини марказлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда иш юритишлари лозимлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга

Мурожаатномасида “ҳозирги пайтда солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришни, мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолашни, солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилиниши самарали солиқ маъмуриятчилиги орқали бартараф этиш ва бюджет барқарорлигини таъминлашни, солиқ юкини камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш” вазифаси белгилаб берилган [2].

Шунингдек, Ўзбекистонда солиқ юкини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга қарамадан, республика бўйича ўтказилган солиқ назорати натижалари бўйича бир қатор молиявий ҳуқуқбузарликлар бўлганлиги аниқланган ва шу билан бир қатор бунинг натижасида қўшимча солиқлар ҳисобланган. Ушбу ҳолатлар солиқ ҳуқуқбузарликлари келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш зарур долзарб масалалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Материал ва Метод. Мамлакатимизда солиқ назоратини тартибга солишнинг устувор йўналишлари солиқ тизими қоидабузарликларнинг олдини олиш, солиқ тўловчиларни солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришга ундаш ва ноқонуний солиқ қоидаларини қўллашдан бош тортиш масалаларини олдини олиш кабилар ҳисобланади.

Солиқ назорати ва уни бюджет-солиқ сиёсатини таъминлашдаги роли ҳамда уни такомиллаштириш масалалари борасида хорижлик олимлар Т.А.Валерьевич, И.А.Цинделиани, Т.А.Ефремова, О.Zhuk, Ю.Грачева, Е.Д.Соколова, О.К.Нуцалханова, А.З.Дадашев, Е.Н.Евстигнеев, Р.Г.Сомоев, О.Б.Буздалина, Ф.Ф.Ханафеев, А.Н.Романов, М.В.Мишустин, И.Понаморевлар тадқиқотларида ўрганилган.

Шунингдек, Қ.Яхёев, А.В.Вахобов, А.С.Жўраев, Ф.Б.Исаев, Ж.Р.Зайналов, Б.И.Исроилов, М.И.Алимардонов, Т.С.Маликов, Н.Х.Хайдаров, Ш.О.Тошматов, Б.Тошмуродова, Х.Б.Зарипов, Н.Б.Ашурова, Қ.Н.Тўхсанов, И.М.Ниязметов, Б.Б.Ибрагимов каби Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз тадқиқотларида давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ назоратини аҳамияти ва уни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича мустақил қарашларини баён этган.

Лекин жамият ҳаётининг барча жараёнларини рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар солиқ назоратини ташкил этиш ва уни амалга ошириш масалаларини янгича нуқтаи-назардан баҳо беришни талаб этмоқда. Шу боис ушбу мавзу бугунги кунда янада чуқурроқ ўрганишни талаб этмоқда.

Натижалар. Давлат бюджет даромадларини шакллантириш солиқ тизимининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда солиқ тизими ана шу вазифани ҳал этишда ишлаб чиқариш жараёнига ва бизнес субъектларининг фаолиятига сунъий тўсиқлар қўймаслиги ҳамда солиққа

тортишнинг адолат таъминини бузмаслиги бюджет даромадларини шакллантиришнинг зарур омил бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги асосий мақсад бюджет даромадларини шакллантиришнинг халқаро андозалар ва бозор муносабатларига мос солиқ тизимини яратиш вазифаси этиб белгиланди. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад манбалари, даромад манбаларининг ҳақиқий миқдори, мажбурий тўловларни тўлаш имкониятлари ҳисобга олиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ назоратини тўғри ташкил этиш ва солиқ адолати таъминини асосида ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни жонлантириш асосида иқтисодий юксак даражада барқарор ривожлантиришга эътибор қаратиш муҳим эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда давлат органлари фаолиятини молиялаштириш учун зарур чораларни қўллаш зарурияти давлат фискал сиёсатида бюджет даромадларини шакллантиришга устувор вазифа сифатида қаратишга сабаб бўлганлиги олимлар томонидан эътироф этилган[3]. Шу боис ушбу даврда солиқ назоратини ўтказиш тартибларига ҳам бюджет манфаати нуқтаи-назаридан ёндошилган.

Мамлакат иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиш даврининг бошланиши натижасида 2005 йилдан бошлаб давлат фискал сиёсатида бюджет ва солиқ тўловчи манфаатларини уйғунлаштириш бошқичи бошланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 2020

Йил 1 январдан амалга киритилиши солиқ назоратининг янги рақамлаштириш босқичини бошлаб берди. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти солиқ тўловчи манфаатининг устуворлиги билан характерланади.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган солиқ назорати тадбирлари натижалари таҳлили солиқ

қонунчилигига амал қилиш ҳолатларида ҳамон муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти бўйича 2021 йилда жами ўтказилган солиқ текширувлари асосида қуйидаги кўрсаткичларни намоён этмоқда(1-расм).



1-расм. Самарқанд вилояти давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган солиқ текширувлари сони

[Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди]

Яъни 2021 йилда Самарқанд вилояти бўйича ўтказилган солиқ назорати тадбирлари давомида барча ҳудудлар кесимида камерал солиқ текширувлари сони **6647та** ташкил этган бўлса, сайёр солиқ текширувлари эса **1208та** ҳамда солиқ аудити текширувлари сони **1032** тани ташкил этган ҳолда жами **6745** та солиқ текширувлари ўтказилганлигини гувоҳи бўлдик.

Шунингдек, мамлакатимизда солиқ юкини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга қарамасдан Самарқанд вилояти бўйича 2021 йил 11 ойи мобайнида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари давомида **жами 6745 та** ҳолатда солиқ қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Ушбу ўтказилган текширувларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан аниқланган солиқ

ҳуқуқбузарликлари бўйича **442,8** млрд. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган.

Таҳлилларимиз ушбу солиқ текширувлари орасида камерал солиқ текширувлари сони салмоқли эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса камерал солиқ текширувлари жараёнида хали ҳам мавжуд муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ хизмати органларига йўллаётган эътирозли мурожаатлари сони кўпаймоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти барча ҳудудлар кесимида умумий ҳолатда давлат солиқ хизмати органлари томонидан **2019-2021** йиллар давомида қабул қилинган мурожаатларнинг тури ва

мазмуни бўйича маълумотлар ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

2019-2021 йиллар давомида Самарқанд вилояти бўйича давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган мурожаатлар

Т/р	Самарқанд вилояти бўйича 2019 йилда келиб тушган мурожаатлар		Самарқанд вилояти бўйича 2020 йилда келиб тушган мурожаатлар		Самарқанд вилояти бўйича 2021 йилда келиб тушган мурожаатлар	
	№	Мурожаатларда кўтарилган масалалар	Жами мурожаатлар сони	Мурожаатларда кўтарилган масалалар	Жами мурожаатлар сони	Мурожаатларда кўтарилган масалалар
1.	Солиқ тўловларига оид тушунтириш бериш тўғрисида	894	Солиқ тўловларига оид тушунтириш бериш тўғрисида	256	Солиқ тўловларига оид тушунтириш бериш тўғрисида	469
2.	Солиқ тўловларидан озод қилиш ва имтиёзлар бўйича	577	Солиқ тўловларидан озод қилиш ва имтиёзлар бўйича	180	Солиқ тўловларидан озод қилиш ва имтиёзлар бўйича	173
3.	Савдо-сотик соҳасидаги тартиб бузилиш ҳолатлари юзасидан	241	Савдо-сотик соҳасидаги тартиб бузилиш ҳолатлари юзасидан	181	Савдо-сотик соҳасидаги тартиб бузилиш ҳолатлари юзасидан	84
4.	Бозор ва савдо комплекслари фаолияти юзасидан	33	Бозор ва савдо комплекслари фаолияти юзасидан	10	Бозор ва савдо комплекслари фаолияти юзасидан	0
5.	Мусодара қилиш мақсадида олиб қўйилган товар-моддий бойликлар тўғрисида	0	Мусодара қилиш мақсадида олиб қўйилган товар-моддий бойликлар тўғрисида	0	Мусодара қилиш мақсадида олиб қўйилган товар-моддий бойликлар тўғрисида	0
6.	Хусусий фирма, ширкат хўжаликлари ва бошқа идоралар, корхоналардаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан	79	Хусусий фирма, ширкат хўжаликлари ва бошқа идоралар, корхоналардаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан	5	Хусусий фирма, ширкат хўжаликлари ва бошқа идоралар, корхоналардаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан	0
7.	Ўтказилган солиқ текширувларидан ва солиқ органларининг қабул қилган қарорларидан норозилиги юзасидан	0	Ўтказилган солиқ текширувларидан ва солиқ органларининг қабул қилган қарорларидан норозилиги юзасидан	0	Ўтказилган солиқ текширувларидан ва солиқ органларининг қабул қилган қарорларидан норозилиги юзасидан	0
8.	Бошқа турли мавзулар (солиқ қарздорлиги, ортиқча тўловларни	1893	Бошқа турли мавзулар (солиқ қарздорлиги, ортиқча тўловларни	718	Бошқа турли мавзулар (солиқ қарздорлиги, ортиқча тўловларни	1079

қайтариш, маълумотлар тақдим этиш, ижтимоий масалалар ва бошқалар тўғрисида)		қайтариш, маълумотлар тақдим этиш, ижтимоий масалалар ва бошқалар тўғрисида)		қайтариш, маълумотлар тақдим этиш, ижтимоий масалалар ва бошқалар тўғрисида)	
Жами:	3717		1350		1814

[Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди]

Юқоридаги маълумотлар кўра, Самарқанд вилоятининг барча ҳудудлари кесимида давлат солиқ хизмати органларига йўлланган мурожаатларнинг асосий қисми солиқ қарздорлиги, ортиқча

тўловларни қайтариш, маълумотлар тақдим этиш, ижтимоий масалалар ва бошқалар тўғрисида эътирозли ҳолатлар келиб тушмоқда. Ушбу эътирозли мурожаатларни олдини юзасидан илмий изланишлар олиб бориш тақозо этмоқда.

Шу сабабли бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ тушумлари устидан назоратни олиб борувчи давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солиш, солиқ ҳуқуқбузарликлар сонини камайтириш, солиқ низоларини вақтида олдини олиш умуман айтганда давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш мақсадида солиқ назоратини тўғри ташкил этиш муҳим омил ҳисобланади.

Мунозара. Тадқиқотларимиз давомида солиқ назорати тушунчасига эътибор қаратган ҳолда, бир гуруҳ Россиялик иқтисодчи олимлар Т.А.Валерьевич, Т.А.Ефремова, Е.Ю.Грачева, Е.Д.Соколоваларнинг куйидаги фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилди.

Хусусан, Т.А.Валерьевич солиқ назорати тушунчасига **“Солиқ назорати** – бу мамлакатнинг амалидаги қонунчилигига асосан солиқ тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ тўпланишини таъминлаган ҳолда, солиққа тортишнинг муҳим элементи ҳисобланади, шунингдек унинг ташкил этилиши солиққа тортиш тамойилларига ҳам мос бўлиши мақсадлидир” деган мазмундаги таърифни кўрсатиб ўтмоқда[4].

Т.А.Ефремова эса **“айнан солиқ назорати** солиқларни тўғри ҳисоблаш, солиқ тўловчилар томонидан жорий солиқ тўловларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлашини объектив равишда акс эттирувчи тезкор маълумотларни олиш имконияти” эканлигини изоҳламоқда[5].

Е.Ю.Грачева ва Е.Д.Соколоваларнинг фикрлари бўйича **“Солиқ назорати** миллий молиявий назоратга тегишли бўлиб, солиқ қонунчилиги нормалари билан тартибга солинадиган, солиқ қонунчилигига риоя этилишини ҳамда солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида бюджетга тўланишини таъминлайдиган ваколатли органларнинг фаолияти сифатида таърифлаш мумкин[6].

Ушбу юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига кўра солиқ назоратини тўғри ташкил

этишда асосий эътиборни давлат бюджетига тушадиган тушумларни қонун ҳужжатларига мувофиқ текширган ҳолда, солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлигини ҳар томонлама текшириб, аниқланган камчиликларни бартараф этилиш устидан доимий назоратни амалга ошириш асосий вазифа эканлигига эътибор қаратишимизни кўрсатиб ўтмоқдалар.

Бундан ташқари яна бир гуруҳ иқтисодчи олимларимиз А.З.Дадашев, Olha Zhuk, О.К.Нуцалхановалар ҳам солиқ назорати борасида ўзларининг илмий қарашларини ўз тадқиқотларида давомида алоҳида тўхталиб ўтканлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, А.З.Дадашев “**Солиқ назорати** шундан келиб чиқадики, бунда солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аниқлаш орқали бюджет тизимига солиқ тушумларини таъминлаш воситаси сифатида қаралади” деб умумий фикрини билдирган[7].

Olha Zhuk ҳам ўз қарашларида “**Солиқ назорати** - солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигининг бажарилишига, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган давлат назоратининг мустақил тури” эканлигини кўрсатиб ўткан [8].

О.К.Нуцалханованинг фикрича “**Солиқ назорати** - бу солиқ маъмурияти тизимининг ҳолати тўғрисида иқтисодий маълумотларга эга бўлган фикр-мулоҳазаларни олиш учун, бошқариладиган объектга таъсир қилишнинг ҳуқуқий шаклидир” деган маънода тариф бермоқда[9].

Ушбу фан олимларининг олиб бораётган илмий тадқиқотлари давомида солиқ назорати бўйича асосий эътиборни давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини тўғри юритиш ҳамда бюджетга тушадиган тушумларнинг мақсадлилигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш орқали солиқ назоратини тартибга солишнинг қонуний асосда ташкил этишдан иборат эканлигини ва бунга эътибор қаратишимизни асослаб беришмоқда.

Ўзбекистонлик олимлар А.В.Вахобов, А.С.Жўраев, Ф.Б.Исаев, Б.Тошмуродова, А.Тагаев, Ғ.Рўзиев, К.Хотамовлар ҳам ўз тадқиқотлари давомида солиқ назорати ҳақида турлича фикрлар келтириб ўтишган.

Хусусан, Б.Тошмуродова солиқ назорати тушунчасига “**Солиқ назорати** – бу солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши, солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, тўғри ҳисобланиши устидан солиқ органлари ҳамда божхона органлари томонидан олиб бориладиган назоратдир”, деган мазмундаги таърифни келтирган [10].

Шунингдек, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган ўқув қўлланмада эса “**Солиқ назорати** – солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия Республика пўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз

вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат”, мазмунидаги таъриф берилган [11].

Муаллифлар томонидан яратилган дарсликда ҳам “**Солиқ назорати** - солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизими” эканлиги тўғрисида маълумот берилган [12].

Ф.Б.Исаев томонидан яратилган дарсликда “**Солиқ назорати** бу – солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя этиши, солиқлар ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, тўғри ҳисобланиши устидан солиқ органлари томонидан олиб бориладиган назоратдир” деб фикр билдирилган [13].

Бошқа бир гуруҳ хорижлик олимларимиз Jia, X., Fu, Y., & Sun, H, Pop Ioanлар ҳам солиқ назорати тушунчасига ўзларининг фикрларини билдириб ўтишган.

Jia, X., Fu, Y., & Sun, H фикрича корхона раҳбарлари томонидан ички солиқ назоратининг эътиборга олиниши ва корхона ривожланиш стратегиясини ҳисобга олиб мамлакатдаги ўзгарувчан солиқ сиёсатига дош бериш ва солиқ рискларини олдини олиш йўллари ишлаб чиқилиши таъкидланади [14].

Pop Ioan эса молиявий назоратнинг таркибий қисмларидан бири солиқ назорат бўлиб, у декларацияларнинг ҳақиқатлиги, қонунийлиги ва ҳаққонийлигини текширишга, ижро этилишининг тўғрилиги ва тўғрилигини қонун

ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини текшириш ва аниқлашга қаратилган барча тадбирларни ўз ичига олишни таъкидлайди [15].

Ушбу олимларнинг юқоридаги фикрини инобатга олган ҳолда, солиқ назоратига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

Солиқ назорати – бюджет даромадларини шакллантириш мақсадида солиқ қонунчилигига риоя этилиши ижросини таъминлаш мақсадида ваколатли орган томонидан солиқ тўловчилар фаолияти бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириладиган назорат тадбири [Муаллиф томонидан солиқ назоратига берилган таъриф].

Камерал солиқ текшируви – солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисобланишини, ўз вақтида ва тўлиқ бюджет тизимига тўланишини текшириш мақсадида солиқ тўловчи, солиқ агентлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ органида мавжуд бўлган солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган солиқ назорати тури ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳаларини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар доирасида солиқ назоратини тартибга солиш бўйича ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилмоқда.

Қонун ҳужжатлари талабларига асосан солиқ текширувларини ташкил

этиш ва ўтказиш тартиби мазмунини куйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

- **Камерал солиқ текшируви буйруғини қабул қилиш;**
- **Хужжатларни сўровнома орқали олиш;**
- **Талабномани юбориш;**
- **Камерал солиқ текшируви далолатномаси солиқ органи томонидан кўриб чиқилиши;**
- **Камерал солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш, натижалари бўйича қарор қабул қилиш;**

Юқоридаги солиқ текширувини ўтказишдан мақсад шуки, тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда солиқ хизмати органига тақдим этиладиган ҳисоботларда қонун бузилиш ҳолатлари кузатилиши ҳамда молиявий ҳисоботларни тақдим этишда маълум бир тафовутларга, хато ва камчикларга йўл қуйганликлари сабаб бўлиб ҳисобланади. Бу эса солиқ тўловчиларда солиқ хавфини ортишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда солиқ органлари куйидаги ҳолларда ҳам камерал солиқ текширувини ўтказишга ҳақли:

➤ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари солиқ органига тушганда;

Жисмоний шахслар томонидан маълум бир корхонанинг ноқонуний фаолияти бўйича йўллаган мурожаати текширилади ва корхона томонидан товар(иш,хизматлар)ларни реализация қилганлиги натижасида онлайн назорат касса машинасидан харид чеки бермаганлиги ҳамда тегишли рұхсатномасиз фаолият юритганлиги

натижасида йўлланган мурожатлар асосида камерал солиқ текшируви ўтказилишига сабаб бўлади.

➤ солиқ тўловчи томонидан олдин тақдим этилган солиқ ҳисоботиға нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирадиган ёки кўрилган зарар суммасини кўпайтирадиган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилганда.

Юқоридаги ҳолатлар буйича айтиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларимиз билган ёки адашган ҳолатларда ўзлари йўл қўядиган кўпол хатолар эвазига фаолиятлари камерал солиқ текшируви тайинланишига йўл очиб беришларига сабабчи бўлишади. Текширув натижада даромадлар яширилганлиги ҳамда бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ тушумлари камайтирган ҳолда кўрсатилиб тўланганлиги маълум бўлади. Бундай ҳолатларда солиқ хизмати органи томонидан камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби белгиланади.

Аммо камерал солиқ текшируви низомида солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларида хато ва камчиликларнинг ҳақиқатда мавжуд эканлиги ҳамда давлат бюджетига солиқларни тўғри ва тўлиқ тўланиши бўйича текширувларнинг кетма кетлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин солиқ тўловчиларга солиқ хизмати органлари томонидан яна сўровнома юборилиши аниқланадиган камчиликлар натижасида тўланадиган солиқларнинг маълум муддатга кечикишига ва ортикча вақт сарфланишига олиб келади. Бу ҳозирги ҳолатда солиқ идоралари томонидан солиқ тўловчига юбориладиган сўровномани жўнатиш

тартибини бошқатдан кўриб чиққан ҳолда солиқ қонунчилигида кўрсатилган сўровнома жўнатиш тартиби тубдан ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъеклари солиқ қонунчилигига кўра ундирилган солиқ суммаси амалдаги ҳақиқий ҳолат бўйича фарқлар борлиги ханузгача қузатилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан иш олиб бораётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятлари давомида ҳақиқий даромад(фойда)ларига нисбатан давлат бюджети учун тўланиши керак бўлган турли кўринишдаги солиқларни камайтириб ёки умуман тўламаслик ҳолатлари яъни солиқларни яшириш ҳолатлари борлиги ҳозирки иқтисодиётимизнинг катта муамоларидан эканлиги айни ҳақиқатдир.

Мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсатида бундай ҳолатларни сақланиб қолаётгани, айрим солиқ тўловчиларимизнинг давлат ва жамият олдидаги ўз масъулиятини сезмасликлари оқибатида иқтисодиётимизни ривожланишида катта тўсиқ бўлмоқда. Бундан қуриниб турибтики, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий томонлама ривожлантириш учун йўналтирган мақсадли ҳар қандай маблағлар юртимиз равнақини ҳамда иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса мамлакатимиз бюджетига тушадиган маблағлар салмоғини оширишда муҳим омилларимиздан биридир.

Хусусан, солиқ хизмати органи томонидан камерал солиқ

текширувларини ташқи ва ички манбаларига таянган ҳолда олиб борилиши белгиланган бўлиб барча маълумотлар ҳозирги кунда давлат ва нодавлат ташкилотларидаги маълумотларнинг электрон равишда бирига боғлиқлиги таминланиши доирасида келгусида бюджетга тушадиган солиқларни ўз тушиши ва ортиқча сарфланадиган вақтнинг йукотилишига эришилади. Яъни ҳар бир жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий фаолиятлари боғлиқ бўлган ҳар бир ҳаракати солиқ идораларига масофавий тарзда мунтазам равишда етказилиши келгусида бюджетга тўланадиган солиқнинг ўз муддатида тўланишини таминлайди.

Бундан ташқари, ҳозирга кунда амалга ошираётган бюджет-солиқ сиёсатида барча саъй-ҳаракатларимизни хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳудудларга йўналтириш ва инсофли солиқ тўловчиларга маъмурий юкни яъни солиқ юкни минималлаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари томонидан "Солиқчи-кўмакчи" шиори остида мунтазам равишда тадбиркорлик субъектларига бўлган босимни камайтириб, ёрдамчи сифатида иш олиб боришмоқда.

Хулоса. Юқорида айтиб ўтилган барча маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топдик. Айтиш лозимки, ушбу айтиладиган фикр ва мулоҳазаларимиз ўз навбатида солиқ текширувларини ҳолисона амалга оширишда самарадорликка эришишга олиб келади.

Ҳар бир солиқ тўловчининг моддий активлари ва тўланган солиқлари

тўғрисидаги маълумотлар бошқа солиқ тўловчилардан сир сақланиши солиқ кодексида **солиқ сир** сифатида белгилаб куйилган бўлсада хозирги кунда факатгина тўланмаган солиқларнинг маълум вақтдан кейин аниқланиши оқибатида солиқ идоралари тижорат банклардан факатгина бир марталик сўров орқали маълумот олишлари бюджетга тўланадиган солиқларнинг кечикишига олиб келмоқда. Шу сабабли солиқ хизмати органлари билан тижорат банклари ўртасида тўғридан тўғри очик масофавий тарзда маълумот алмашишни талаб этамоқда. Мазкур солиқ қонунчилиги амалиётида учраётган муаммоларни ижобий ҳал этишда куйидаги таклифларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти доирасида пул кўчирмалари билан боғлиқ бўлган банк томонидан ўтказиладиган ҳар бир операциялари ҳамда пул маблағлари айланмаси солиқ идораларида ҳам, маълумотлар аниқ ва шаффоф тарзда доимий кўриниши лозим. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолияти давомида ҳисобрақамига шубҳали пул кирими ва чикими тўғрисидаги маълумотлардан доимий тарзда солиқ идоралари хабардор бўлишлари орқали бюджетга солиқларни тўғри ва ўз вақтида тўланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

иккинчидан, солиқ идоралари томонидан солиқ тўловчиларга юбориладиган сўровнома бекор қилиниб, ушбу сўровномада сўралган ҳужжатлар тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларидан талаб килиб олиниб тегишли тартибда камерал солиқ текшируви ўтказилиб солиқ тўловчига агарда фарк аниқланадиган бўлса аниқланган камчилик бўйича талабнома юборилиши солиқ тўловчининг ортиқча вақт сарфлашига олиб келмоқда. Бу эса солиқ тўловчига жўнатилган сўровномага вақтида жавоб хати юборилмаслигига сабаб бўлмоқда.

учинчидан, хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятида камерал солиқ текшируви ўтказилган давр учун қайта камерал солиқ текшируви ўтказилмалик лозим. Маълум давр учун қайта-қайта ўтказиладиган камерал солиқ текшируви солиқ тўловчига солиқ ходимлари фаолиятида шубҳа уйғотиши мумкинлиги ва бу эса коррупция ҳолатларга сабаб бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида оқилона солиқ назорат тизимини тўғри йўлга қўйилиши, солиқ тизими қонунчилигига тўлиқ риоя этилишида хуфиёна иқтисодиётга барҳам беришга хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабр Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь. Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн.
3. Boburshokh Ibragimov Bakhodir Ogli. Tax Liabilities and its Implementation Regulation Issues. // International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT). ISSN: 2509-0119. © 2020 International Journals of Sciences and High Technologies. Vol. 23 No. 2 November 2020, pp. 384-390. <http://ijpsat.ijsh-t-journals.org>.
4. Т.А.Валерьевич. Налоговый контроль при налогообложении физической лиц на основе подхода “Объект контроля-налогоплательщик” 2009 год, Нижний Новгород.
5. Т.А.Ефремова. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация канд. эконом. наук /Т. А. Ефремова. – Саранск, 2017. – 390 с.
6. Главной задачей ФНС России остается качество администрирования налогов // Финансы. 2011. № 3
7. Дадашев А. З., Пайзулаев И. Р. Налоговый контроль в РФ. М.: Кнорус. 2012.
8. Olha Zhuk. Tax control in the system of taxes administration. Journal of Vasyl Stefanyk Precarpathian National University., Vol. 5, No. 3-4 (2018), 57-61 Ukraine.
9. О.К.Нуцалханова. Налоговый контроль как обратная связь в системе финансового мониторинга. Пробелы в российском законодательстве. – 2011. – № 6. – С. 330-332.
10. Б.Тошмуродова. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-Молия”, 2007 йил, 120 бет.
11. А. Тагаев, Ф. Хашимото, Ғ. Рўзиёв, К. Хотамов. Солиқ назорати. –ўқув қўлланма / -Т.: Янги аср авлоди, 2010 й. -84 б.
12. Vahabov A.V., Jo‘rayev A.S. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik.- «Iqtisod-Moliya», 2018 yil, 408 bet.
13. Isayeva F.B. Soliq huquqi. Darslik.- Toshkent: TDYU, 2016. – 267 b.
14. Jia, X., Fu, Y., & Sun, H. (2020). Research on Internal Tax Control of New Energy Saving and Environmental Protection Wind Power Generation Energy Enterprises. In Journal of Physics: Conference Series (Vol. 1549, No. 4, p. 042148). IOP Publishing. – p. 5.
15. Faculty of Economics and Business Administration Babes-Bolyai University, Cluj-Napoca, Romania Tax control - prevention and control of tax evasion. (375-380 p).
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва уларни солиқ хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартиби тўғрисида” Қарори: 2021 йил 7 январ № 1.